

ЎҚИТУВЧИЛАР СУЛОЛАСИ



Миробид МИРСОДИҚОВ олган сурат

Сиддиқ ака Худойбергенов 70 ёшни уриб қўйган моҳир мураббий — педагоглардан бири. У кўп йиллик педагогик фаолияти учун Ўзбекистоннинг қатор мукофоти унвонларига сазовор бўлди. Сиддиқ аканинг рафиқаси Сайёра опа узоқ йиллар Тошкент чинни бўюмлари корхонасида меҳнат қилди. «Меҳнат Фахрийси» унвонига сазовор бўлган онахонлардан бири.

Бу аҳил оиланинг 2 ўғил, 5 қи-

зи бор. Ҳозирги кунда ҳамма фарзандлари уйли-жойли бўлиб, узидан тинган. Бу етти қудали даргоҳда ҳозирча 21 неварга бор.

Сиддиқ ака билан Сайёра опа қўввларини ўғилдек, келинларини эса қизларидек кўришади. Бу оила яна шуниси билан ажралиб турадики, фарзанду набираларнинг кўпи ота, бува касби бўлмиш ўқитувчиликни танлашган.

Улардан бири Муаттархон Ху-

дойбергенова олий маълумотли 25 йилдан бери шу тумандаги 185-мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс бериб келмоқда. Маъмура Худойбергенова Тошкент Давлат Университетида илмий ходим бўлиб ишлайди. Дурдона Худойбергенова эса фан номзоди, Тошкент Давлат Университетида катта илмий ходим бўлиб ишлайди.

Ўқитувчилар сулоласи номини оқлаб келаётган бу оиланинг қўввларию, неваралари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Пойтахтимизнинг Гуручарик маҳалласининг файзли хонадонларидан бирида яшаб, кексалик гаштини сураётган Сиддиқ ака билан Сайёра опага яна кўп йиллар фарзанду набиралар, ҳешу ақрабодар кўршовида эсон-омон ҳаёт кечириб, мурод-мақсадларига етишларини тилаб қоламиз.

Саидмурод Саидахмад

ЎШБУ
СОҲДА

ТИНИМ
БИЛМАЙ
ИШЛАШ
КЕРАК

2

ТОШХОН
МОМО
САДОҚАТИ

3

КАСОФАТДАН
ҚУТИЛСА,
БЎЛАР
ЭКАН...

4

ПЕШОНАГА
СИҒМАГАН
БАХТ

6

ОТА
ОБРЎСИ

7

**Комил ТОШ,
Мухтор БЕК**

Инсондаги энг инсоний фазилатлардан бири бу утганларни хотирида, қадрлашдир. Президентимиз ушга хос салимийат, куюнчаллик ва донолик билан бу ҳақда ҳамиша гапирадилар. Жумладан «Туркистон» газетаси муҳбири билан суҳбатда Иккинчи жаҳон урушида жон олиб жон берган ота-боболаримиз ҳақида шундай дедилар:

«Бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир ном-сиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълул солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жанггоҳда бўлмасин, ўз она юрти, тугилиб ўсган қишлоғи, муштираб онаси, суюк-

ЭНГ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

ли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, фикру ҳаёлида турган. Жангужадал майдонларида «Сталин учун!» ёки қандайдир маъмул улуғ гою учун эмас, шулар учун жон берган. Яъники, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен такрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган.»

Бурхонимдан қолган балдоғим

Қани излаб эганни топ-чи!

Садоқатли умр йўлдошим,

Жамолингни бир кўрсат-чи!

Шундай қилиб Тошхон опа бир неча йиллар мобайнида, эри Бурхонжон акани ердан ҳам, ойдан ҳам суриштириб кўрди. На хати бор, на хабари.

Ойлар ўтди, йиллар ўтди, шу орада Тошхон опанинг овунчоғи булган икки қизини ҳам буйи етиб қолди. Бири Раҳиммахон бўлса, бири Ҳабибахон.

----- Яхшилар ёди -----

ТОШХОН МОМО САДОҚАТИ



Тошхон опа эса, икки қизини бирин-кетин уйли-жойли қилиб, тенгига-тенгдош қилиб узатди.

Тошхон опа учун энг огир дамлар энди бошланаётган эди. Чунки ягона овунчоғи булган қизлари ҳам турмушга чиқиб кетган, катта ҳовлида бир ўзи ёлғиз қолди. Кундуз кунлари уни-бун қуриб кўнгли бир оз таскин топарди. Кўни-қўш-нилари Тошхон опани зориқиб қолмасин, деб ёлғиз қолдирмас эдилар. Қариндош-уруғлари ҳам тинимсиз ҳолидан хабар олиб туришди. Тунда эса, тилло балдоқ билан сирлашиб, гурунглашиб тонг отқизар эди. «Сени курсам, Бурхон-

Урушга кетган, энг сўнгги нафасига жонажон юрти, қон қариндошлари, суюкли ёрини деб мардларча жанг қилиб азиз жонини қурбон қилган аскарларимиз... Ва фронт ортида жанггоҳлардан минглаб километрлар берида фарзандини, ака-қакларини, оталарини зор-интизор кўтиб ашаган, но-зик елкалари, қўллари яғир бўлиб меҳнат қилган, заҳмат чеккан аёллар-бевалар...

Қуйидаги мақолани ўқир экансиз, ана шулар ҳақида яна бир бор уйлайсиз ва юртбошимиз юқоридида такрор-такрор айтган ҳақиқатни дилдан туйғандек бўласиз...

жонимни қургандай бўламан, сен энди мени овунчоғимсан, олтин балдоғим», деб тун буйи бағрига босиб ётар, тонг отгач, далба беради. Тошхон опанинг тилсиз балдоғи билан сирлашуви қуйидагича бўлган:

Кундузи кўз-кўзлаб қулоққа осдим,

Тунлари эркалаб бағримга босдим.

Эримни кўзи бор, юзи бор сенда,

Хиёнат қилмасдан гуноҳдан қочдим.

Бурхоним олгандир совға деб сени

Қўлимга тутқазган эркалаб мени.

Ўзингда акси бор яширма балдоғ

Ўзинг ёнимдасан, Бурхоним қани?

Тошхон опа мана шундай байтларни балдоғига қараб ўқир экану кўнгли тулиб чиррилаб «дод» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолар экан. Қайта-қайта балдоғини бағрига босиб тонг отишини кутар экан. Қаранг, садоқат ҳам шунчалик бўладими, ахир? Гуноҳсиз Тошхон опа эрини

қўмсамаган дейсизми? Ҳаммада бор тирик жон у аёлда йўқими? Бурхонжон аканинг, ис-сиқ гавдасини бир бор бағрига босса, Тошхон опанинг юраги ёзилмасиди? Иложи қанча? Ҳаммасига бардош бериб хиёнат эшигини очмаган, холос. Хиёнат қилиб гуноҳга ботганимдан қура покиза утганим маъкул деб, танагини булғамасан.

Бурхон акани кута-кута тоқати тоқ бўлган Тошхон опа тақдирга тан бериб, икки балдоғини икки қўлига олиб шундай деб васият қилган экан:

Келса эганг айтурсан, тингла сўзимни,

Авайладим ўзимни қилмасдан гуноҳ.

Қилган бўлсам хиёнат, икки кўзимни

Ҳайиб олсин қарғалар теппамда Аллоҳ.

Оёқ-ости қилмасдан ору номусни,
Бегона бўлди менга, номаҳрам танлар.
Муқаддас деб авайлаб, шеърин никоҳни,
Розилик сўраб сиздан, кўз юмди денглар!

Тошхон опа Бурхонжон акани интизорлик билан кута-кута, охири тақдирга тан бериб, саксон ёшдан утганида табаррук онахон бўлиб, ҳалол-покиза тани билан бу ёруғ дунёни тарк этди.

Илоё жойлари жаннатдан бўлиб, охиратлари обод бўлсин. Бу дунёда қайта қуриша олмаган эрининг арвоҳи билан ул дунёда қуришишга муяссар бўлсин.

Мархума онахон Тошхон опа ҳақидаги ҳикоям, афсона ёки ривоят эмас. Бу ҳақиқий бўлган воқеа. Қани энди ҳозирги ёшларимиз ҳам қимматидан қатъий назар эркачки, аёлми қўшгани билан қўша-қариб, садоқатни хиёнатга алмаштирамай яшаб ўтишса... Демокчи-манки, турги юриб, ҳалол-покиза яшамокдан яхшиси йўқдир, азизлар!

Каримжон ТОҶИЕВ

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани

ҚАДРИЯТЛАР САБОҒИ

«Бир кун жанжал булган уйдан, қирқ кун барака кетади», — дейди халқимиз. «Ойна жаҳон» орқали ҳар куни кузатиб борамиз, не-не юртларда одамлар мамлакатлар ўртасидаги ички низолар туфайли муҳтожлик билан яшаш-тилар. Болалар етимлик нонини эрта тишлантилар. Улкан иморатлар вайроналарга айланаётган. Шуларни қуриб туриб ўз юртингдаги тинч-тотувликка, осойишталикка шукроналар айтинг келади.

Президентимизнинг мамлакатимизда 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифлари халқимиз кўнглидаги айни муддао бўлди. Бино-

Аждодлар руҳи

барин, хотира ибораси Ватан учун жангларда ҳалок бўлганларни эслаш, улар номини абадийлаштириш, соғ-омон ўз уйларига қайтиш насиб булганларга иззат-икром кўрсатишга даъват этишдан иборат.

Пойтахтимиз марказида Хотира ва Қадрлаш майдонининг барпо этилаётганлиги барча миллат фуқаролари томонидан маъқулланмоқда. Ушбу майдон урушда ота-оналари, қариндош — уруғ ва яқинларидан ажраган инсонлар учун зиёратгоҳга айланиб қолади, деб умид қиламиз.

А. ҚАЛДАРОВА,

М. САМАТОВА,

Х. АБДУРАХМОНХУҲАЕВА

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур

тумани хотин-қизлар қўмитаси

фаоллари

ЯНА БИР ОИЛА ДУНЁГА КЕЛДИ

Утиш даври мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида туб бурилишлар ёсади. Бозор қўнчилиги корхона ва фабрикалар учун синов майдонига айланди. Бу майдонга фақат қатъий ҳаракат билан кирганларгина уни-нғ ҳақиқий фуқароси бўлди.

Ана шундай ўзининг эртанги кўнини ёрқин йўллардан белгиллаб олган корхоналардан бири Қашқадарё вилояти, «Қарши нон» очиқ турдаги хис-садорлик жамияти бўлиб, унга бир неча йиллардан бунён Назор Рашидов раҳбарлик қилиб келмоқда. У эътиборини фақатгина корхона ишчиларининг моддий аҳволларини яхшилашгагина қаратиб қолмасдан, ота-оналари, уларнинг фарзандлари маънавиятини уйлаб ҳам иш юритади.

Биз Назор Рашидовни суҳбатга тортиб, корхонанинг умрбоқийлиги сабаби нимада? — деб савол берганимизда у қуйидагиларни гапириб ўтди:

Биз аввало ҳар бир кўнимизда янгиликка интилиб иш тутамиз. Ҳозир замон талаби шунки тақозо этади. «Қарши нон» очиқ турдаги хис-садорлик жамияти бўлиб, унга бир неча йиллардан бунён Назор Рашидов раҳбарлик қилиб келмоқда. У эътиборини фақатгина корхона ишчиларининг моддий аҳволларини яхшилашгагина қаратиб қолмасдан, ота-оналари, уларнинг фарзандлари маънавиятини уйлаб ҳам иш юритади.

Биз Назор Рашидовни суҳбатга тортиб, корхонанинг умрбоқийлиги сабаби нимада? — деб савол берганимизда у қуйидагиларни гапириб ўтди:

Биз аввало ҳар бир кўнимизда янгиликка интилиб иш тутамиз. Ҳозир замон талаби шунки тақозо этади. «Қарши нон» очиқ турдаги хис-садорлик жамияти бўлиб, унга бир неча йиллардан бунён Назор Рашидов раҳбарлик қилиб келмоқда. У эътиборини фақатгина корхона ишчиларининг моддий аҳволларини яхшилашгагина қаратиб қолмасдан, ота-оналари, уларнинг фарзандлари маънавиятини уйлаб ҳам иш юритади.

Биз Назор Рашидовни суҳбатга тортиб, корхонанинг умрбоқийлиги сабаби нимада? — деб савол берганимизда у қуйидагиларни гапириб ўтди:

ИСОҚ САТТОРОВ, Қашқадарё

КАСОФАТДАН ҚУТҒУСА БҒЛАРКАН...

Муйлаби эндигина сабза ураётган ёш-ёш йигитчаларнинг олифталик билан сигарета чекаётганларини кузатиб хайратга тушасиз. Уларни бундай ҳолатга тушишга нима мажбур қилапти узи?

Чекувчилар орасида нотишни ўзларига касб қилиб олганлари ҳам бор. Уларнинг фикрлашларига кўра, сигаретадан кўра нос арзонроққа тушар эмиш!.. Чекишнинг зарари ҳақида гап кетганида кашандаларнинг кичигидан каттасигача: «Шу касофатга қайқанам йулиқиб қолган эканман, ҳеч қутулолмаппман», деганга ўхшаш такрорий лўқмалар қулоққа чалинади.

Шуларни уйласам, болалигимдаги бир суҳбат эсимга келади. Фафур Гуломнинг болаларга атаб чиқарган китобини ўқиб утирарканман, «Азизнинг дадаси нос чекишни ташлади» сарлавҳали шеър кизик туюлди-да, онамга ҳам ўқиб бердим. Ўқиб бўлиб қулиб юбордим-да, онамга қарадим. У киши ҳам жилмайиб утирган

эканлар. «Нос ростдан ҳам ёмон нарса-да», дедилар. «Сиз қайқан биласиз, отамлар нос отмаганларку?» дедим мен. «Отанг ҳам аввал нос отардилар, кейин ташлаб юбордилар», дедилар онам.

Мен отамнинг нос чекишларини сира тасаввуримга сиғдираолмасдим. Воқеа мен туғилмасимдан бир неча йил аввал бўлиб ўтган экан:

Рўзгоримизда тўрт-бешта қўй боқилар экан. Қўйлар қишда ҳовлимизда сақланар экан-у, кўклам фасли кириши билан отам уларни Қизилқумга туташ Чимқўргон деган қишлоқдаги чорвадор ошналарига обориб берар эканлар. Қўйларимизни боқиб бергани учун ошналари-нига эшакда ёз мевалари-данми, қовун-тарвузми юбориб турар эканлар.

Бир кун қўшнимизнинг усмир ўглини ёнларига

олиб қўйларни яна Чимқўргонга ҳайдабдилар. Кечроқ йўлга чиқшган бўлса керакки, тахминан хуфтон маҳали отамнинг ошналари-нига кириб боришибди. Қўйлар кўрага қамалганидан кейин мезбонларнинг таклифлари билан ичкарига киришибди. Отамнинг ошналари уйда: «Қайнанғиз сизни жақши кўрар экан, Ҳусанбой», деб дала ўзбеклари шевасида сўзлаб қутиб олибди. Ҳақиқатан ҳам мезбонлар уша кунни туғрама дейилмиш хушхўр таом тайёрлаётган экан. Туғраманнинг гўшти билан лавлагиси туғралиб тайёр бўлгану хаамири эндигина қозонга солинган экан. Узоқ йўлда қўй ҳайдаб бориб чарчаган, очқолган отам билан шериги ҳам хушхўр таом тайёрланаётганини кўришиб хурсанд бўлишибди.

Бир маҳал қозондаги сув-да пиширилган хамир катта-

гина тоғорада уйга киритилибди. Уй эгаси — отамнинг ошналари туғралган гўшт билан лавлагини тоғорага — буги чиқиб турган хамир устига ағдарибди-да, икки қулига иккита ёғоч қошиқни олиб аралаштиришга киришибди. Шу орада оғзида ноти билан гапга ҳам киришибди. Ҳаммага маълумки оғзида ноти бор одам «с» ҳарфини яхши айтолмайди, «с» ҳарфи «ш»га айланиб қолаверади. Шунга кўра отамнинг ошналари: «Шу дешанғиз, Хушанбой жура...» деб гап бошлабди.

Уша пайтда отам ғалати бир манзаранинг гувоҳи бўлибдилар: тоғорадаги таомни аралаштириш асносида гапираётган уй эгасининг оғзидан ноти аралашган сулақай таомга оқиб тушаётганмиш... Ярни оқиб тушармишу юқориқдаги ярмини иккала лабини торайтириб, «хипп» деганича оғзига

қайтариб олармиш... Шу ҳолат бир неча марта такрорланибди...

Туғрама лаганларга солиниб дастурхонга тортилганда отам ундан бир оғиз ҳам емабдилар. «Кечирасизлар, сизлар бема-лол олаверинглар, мен чой билан ноти еб ўтиравераман», дебдилар. Бошқаларнинг иштаҳасини бугмаслик учун таом емасликлари сабабини айтмабдилар.

Эртасига отам Чимқўргондан уйга қайтиб носкадиларини утин ёриладиган катта тунка устига қўйибдилар-да, болтанинг орқа тарафи билан чилчил синдирибдилар. Шушучекмайдиган бўлиб кетибдилар.

«Ерда қолгур носнинг хумори ёмон бўлар экан, бир неча ойгача отангининг лаблари кўкариб, иягининг икки тарафи қорайгандай бўлиб кетди. Шунда ҳам отанг бечора ноти бирон марта қўл узатмадилар. Отанг — бир сўзлик одам-да», дея ҳикояларини тугатдилар онам.

Оқилжон ҲУСАН

Бу воқеа ҳаётимда муҳим бўрилиш ясади ва унутилмас бўлиб қолди. 1979 йил 6 январь кунни адажоним опамни тоғамларни-нига олиб бормоқчи бўлдилар. Лекин машинамиз ҳадеганда ишлайвермади. Шунда мен «Адажон, машинани устага олиб бориб тузатиб келайлик», дедим. Сабаби бензонасос яхши ишламаётган эди. Адамлар билан техник хизмат кўрсатиш устaxonасига бордик.

ишламасдилар, уй бекаси эдилар. Наиллож, 15 ёшимдан тирикчиликни ўз бошимга олдим. Ёзги мавсумда ёнимиздаги «Космос» ёзги кинотеатрида киномеханик бўлиб ишлай бошладим. Ёзги кинотеатр уша пайтда фақат кечкур битта сеанс фильм кўрсатар эди. Кундузи билим юртида, пешиндан сўнг ишчи-ёшлар мактабда 9—11 синфларни ўқидим. Шанба ва яшанба кунлари собиқ

ЭСААСАМ, ЎРТАНИБ КЕТАМАН

Адамлар 3-гурӯх уруши ногирони бўлиб, уларга Давлат томонидан ногиронлар аравачаси (мотоколяска) бепул берилган эди. Устaxonа етти терак қўчасида, жарлик бўйида — «Ўзбекфильм» муқолишида жойлашган эди. Усталар бензонасосни алмаштириб бердилар ва «Бир синновдан ўтказиб қўринг, айлантириб келинг» — дейишди. Шундан сўнг биз машинада бир бекатга-ча бордик. Адамлар орқага қайтмоқчи бўлдилар. Мен эса, — «Ада, яхши ишляптию, уйга кетақолайлик», дедим. Афсуски, адамлар чапга қараб, яъни ортга қайтдилар. Шунда орқадан келайтган «Москвич-412» машинаси билан тўқнашиб кетдик. Адажоним 3 кун касалхонада ётиб, оламдан кўз юмдилар. Уша 6 ва 8 январь мен учун умрбод армонли кунлар бўлиб қолди. Мен оилада ёлғиз фарзанд эдим. Уша йили 8 — синфни битириб 2-техника билим юртига ўқишга кирдим. Онажоним ҳам ҳеч жойда

Комсомол қули, ҳозирда Ўзбекистон миллий боғида ишладим. 1982 йилда 11 синфни битириб Тошкент Темир йўл техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Уша йили техникумнинг 6 ойлик (январь-июнь) тайёрлов курсида ҳам ўқидим. Бу орада армия сафида хизмат қилиб қайтдим. Тошкент тепловоз ремонт заводида бугунга қадар меҳнат қилиб келмоқдаман. Ҳозир икки фарзандим бор. Худога шукр. Лекин биласизми, фақат биргина армоним бор. Бу ҳам бўлса адажонимга ушбу дорилмон кунларни қўриш насиб этмади. Кейин яна бир афсус-надомат умр бўйи қалбимни ўртади. Ушанда мен адамга устaxonага борайлик, демаганимда, балки уша воқеа юз бермаган бўлармиди? Шундай деб уйлайману, наилож, Аллоҳнинг амри шу экан-да, деб қўнглимга таскин бераман.

Қамолддин МУРАТОВ,
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур
тумани Гулобод мавзеси

ДИЛ СИРИНИ САНДИҚҚА ЯШИРДИ

Қўшни уйда ёр-ёр янгради. Оқ либосли келинчақ, қадди-бастаи узига ярашқили икки ёш бахтига янграган карнай-сурнай садолари дилларини ҳаяжонга чулғадди.

Кўп ўтмай карнай — сурнай садолари шўх қўй-қўшиқларга уланди...

Хумора кўзларига қалқан ёшни ичга ютиб, отилиб уйга кирди. У бу кўнни озмунча орзиқиб кутмаганимиди? Мана, тангрига шукрлар бўлсинки, ёруғ кўнларга ҳам етиш насиб қилди. Бағридаги бирдан-бир овунчоғи, кўзининг оқу қораси ёлғиз ўғли бугун уйланмоқда. Ана, ҳовлини тўлдирган ёш яланглар, қўни-қўшинларнинг барчасининг қўзи савлат тўкиб утирган икки ёшда. Ишқилиб, бахти бутун бўлсин.

«Бу кўнга етишиш осон бўлмади. Биринчи турмушдан айрилган Хумора узоқ Сурхондарёга қайтиб боришни узига эп билмади. «Отасиз қолган қўл етим, онасиз қолган шўр етим» деганларидек, акасининг қўлига қайтиб боришни кўз олдига келтира олмади. Ижарада яшаб, меҳнат қилди. Ҳамкасбалари ўртасида ҳурмат қозонди, обрў-эътибор топди. Аламини ишдан олди, дардини ичга ютди.

Иш орасида берилган таътилда ота уйига борди. Уйдаги аҳволдан ҳўрлиги келди. Ака фермер хўжалиғи бошлиғи эди. Кўн-тўн ишга берилиб, даладан бери келмасди. Янга бўлмиш «чиғирқидан чиққан» қизни узиб-узиб олди. Меҳмон қиз чидади. Эғнидаги қийимлари жандага айланган ота атрофида гирдиқапалак бўлди. Ота-ота-да, қизини дуо қилди. «Қўлгин» дея олмади. Уям янга билан аканинг қўлига қарарди. «Меҳмоннинг иззати» уч кўн бўлди. Туртинчи кўн аканинг чиқарган жанжалдан юраклар сирқиради. Янга голиб келгандек, писанда билан атрофдагиларни қўзатарди. Отанинг боши ҳам бўлди.

Яна Тошкентга қайтди. Тақдиринг тан бериб, бир ҳамкасби топган узидан анча ёши катта одамга турмушга чиқди. Меҳр қўйди, меҳр топма-

ди. Севди, севилмоққа чорасиз қолди. Фарзандли бўлди. Бор меҳрини ёлғиз дилбандига бағишлади. Кўнни-тўнга, тўнни тоғига улаб умрини ўтказди. Эри ўз пуштиқамарини силталаганида, юрағи узилди. Опа-уқалар ундан норози бўлиб келмай қўйишди, юрағи иккинчи бор увишди.

Ҳамма нарсанинг тафтини вақт олади. Улмаган банда, бошга тушганини кўравераркан. Хумора сандигининг ярмини тўлдирган тах-тах қўғозларни қули билан сийпалади. Мана улар, унинг армонлари, дардлари, кўнгил дафтари очан уларга, хатларини мазмун хилма-хил эди: бири онасига, бири отасига, бири укасига, эрига, қавму қариндошга қарата ёзилган бир-бирдан дардли мактублар ҳар қал қўвонган ёки хафа бўлган чоғида сандигини очиб, бори-бирича-бирича ўқиб чиқади. Йилга-йилга кўнглини бушатади. Йиллар ўтган сайин, мактублар сони ҳам ортиб борди.

Мана, қийинчилик дамлари ортда қолди. Ҳаётининг умид гули ушиб-улғайиб ёнида тиргак бўлди.

Онаси улиб, устунни қулаганди. Отаси мадордан қўлиб, устунига суянолмай қолганда, ака-уқалардан ҳам умидини ўзганда, сандик сирдоши бўлди. Уйдаги гап кўчага чиқмади.

Хумора хатлардан бирига кўз ташлади:

**Қийноқларга етди сабот-дош,
Таъналарга чидаб туролдим.
Барчасига топдим уилоҳ,
Севилмоққа чорасиз қолдим...**

Унинг қўзларига ёш қалқиди. Унсизгина кўз ёши тўкиб, сирдош сандигининг оғзини ёпди. Ҳовли томон ошқиди. Бутун даврада жавлон ураётган одамларга, шу кўннинг сабабини ёшларга тўйиб-тўйиб қаради. Умид билан қаради.

Эртанги ёруғ кўндан кўнгли ийди. Бу дардли дил етишган бахт сармастлиғи эди.

Фарида Тохирова,
Тошкент вилояти Оққўрғон
тумани

ЎҚИГАНГА ЎҚИМИШЛИ КЕЛИН МУНОСИБ...

«Ўқиган келин қидираяпмиз» 1-сон

Шахзода Акбарованинг шу номли мақоласини ўқиб ўзим ўқув даргоҳларида узок йиллар давомида ишлаганим, ёшлар тарбияси устида бош қотириб келганим учунни, кутарилган маззуга бефарқ қараб туролмай, фикрларимни баён қилишга тутиндим.

Киз узатиш ҳам, ўғил ўлаш ҳам осонгина, ҳамирдан қил суғиргандек, биттадиган иш эмас. Ахир бунинг турт ўғил, уч қизини оёққа турғизиб ўйли-жойли қилишимиз жараёнида бошимиздан кечирдик. Биз ҳам турмуш ўртоғим билан олийгоҳнинг адабиёт куллубида ўқигандик. Оиламиздаги еттита фарзанднинг ҳаммасини ўқимали бўлиши юзасидан биргаликда раҳнамолик қилдик. Чунки ўқиган инсон ҳам ҳаётида қоқилмай яшашга, ҳам меҳнат фаолиятига тайёрланиб боради. Ўқиган ёшларнинг оиласида шаклланиган ҳулқ-атвори ўқув масканларидаги шарт-шароит, кўпчилик билан мулоқотлар, билимга интилиш, у ерда ўқитирилган тарбиявий тадбирлар борасида янада бўрттириб, ўнқиллашиб боради. Айни чоғда, уларни ҳаётда қоқилмай яшашга, ўйлаб қадам босишга, удул билан иш юритишга, катта-кичикка, ота-онага меҳр-оқибати бўлишга, қисқаси севиб, севилиб яшашга етаклайди ҳам. Бунинг ҳаётида ўқимиздан кечираяпмиз.

Ажабланирлиси шундаки, ҳозирги кунларда ҳаммамизга қасдиқларли даражада ёшларнинг ўқишга муносабати бирмунча салбий томонга ўзгарди, айрим оилалар назарида кўпроқ тижоратга муносабат биринчи ўринга ўтиб қолди, чамамда.

Айрим қизларимизни олийгоҳга кирган йиллик ўзатиб юбориб, қийинчилик

туфайли ўқийини тарқ этиб кетаётгани ачинарли. Бундан нотўғри хулоса чиқармаслик лозим. Мустақиллигимиз қарор топаётган ҳозирги давларда юрбошимиз И. А. Каримов ёш йигит-қизларнинг билим олишлари учун дилдан қайғурмоқдалар. Сир эмаски, элимизда пухта билим берадиган лицей ва гимназиялар, турли олийгоҳлар фаолият кўрсатаётти. Фақат ўзимиздагина эмас, балки чет мамлакатларда таърибим олиш имкони бўлган давларда ёшлар ўқиб ўз келажигини яратиши зарур. Ёшларда ҳафсала ва чидамни яратиш уларни зур бериб ўқишга йўласа, келажигимиз порлоқ бўлишига шубҳа йўқ. Хар бир оила «Фарзандлар қамолоти» ота-она «қиболоти» эканлигига амал қилиб, ўз ўғил-қизларининг ўқишга раҳнамолик қилса, ҳамма-ҳамма орзуларимиз ушалайди аниқ. Лекин, вақт айланиб келиб, билим олиш, ўқиб билимчи масала даражасига кўтарилади. Мақолада ҳеч қандай ишлагайди, ота-онасига боқиманда бўлиб яшаётган йигитга ўқимали қиз қидираяпмиз-да.

— Ота-онасига боқиманда бўлибди-да, тугирми?

— Нега энди мана шунинг учун ҳам унга ўқиган келин қидираяпмиз-да.

Жиянинг касби-кори йўқлиги-чи?

— Э, ҳозир қайси йигитни сен айтгандай касб танлаш,

ўқишга тоқати бор? Ўқиганлар ҳам тижоратнинг орқасидан кун кураётган бўлса?!

Ахир тижоратни ҳам ўқимали кимса ўнумли бошқариши мумкин. Ёшларнинг турмуш қуришида бойликка ёки мансабга қараб эмас, балки оилаларнинг ҳам ҳар жиҳатдан мос бўлишига эътибор бериш уларнинг келгусидаги тотувлигини таъминлайди. Лекин шунинг унутмаслик керакки, ёшлар билимли бўлса-ю, ҳаётий таърибаси, меҳнатга лаёқати ва унга иштиёқи бўлмаса, бунда ҳам қоқилади. Катталар: ота-она ва устозлар бунга эътибор беришлари керак.

Ўтмишдаги удулларимизга қўра йигитларни ҳам, қизларни ҳам одобли, куч-қувват, соғлиқ томонидан синаб қўрилгани аниқ. Бир танишмининг ўғлини қўшини совчиларга турли иғво гаплар (у касалманд, фарзанд кўрмайсизми мумкин) айтиб, фотиҳасини бузишга интилган. Шунда қиз томон ақилиқ қилиб, «Яна бир суриштирайлик-чи» деб келиннинг ақасини кўёвнига юборган. Ақаси очик эшикдан кўёвга сездирайди кузатиб турган. Шунда бўлажақ кўёв жазирма иссиқда катта поётша билан терга ботиб ўтин ёраётган экан. Йигит бир зум қараб, кузатиб турган, эшик зўлфини ни қоқибди. Бўлажақ кўёв тавозе билан нотаниш кишига салом берибди. Қўл олишиб қуришибди. Унгасизланган «меҳмон» дабдурустдан:

— Шу устанинг уйларими? — деб сурабди, йигитнинг отаси ном қозонган уста экан.

— Келин, келин, ҳа, устанинг уйлари шу, — уни уйга таклиф қилибди. — Киринг бир дам утиринг, чой қилиб берман, — дебди. Келиннинг ақаси эса: «Раҳмат, бошқа сафар, уста борликларида келарман. Ушанда, албатта чой ичман, — дебди очик чехра билан.

Шунда иғвогар қўшининг иғвоси очилиб, тўй бошланибди. Улар ҳозирда 4 қизнинг ота-онаси бўлиб, икки қўёвли, 4 неварига бобо ва бувиқилар. Бир-бирларига қиройи, узукка қўз қўйгандек муносиб, қўша қаришаппти. Демак, биров ёмонласа, ёлғонга ишонмай суриштириш зарур экан.

Мақолада яна қўёвларнинг уй бошқарувчиси бўлиши, яъни оила жамғармасини топиш ва харид қилиш асосан улар зиммасида бўлиб, аёллар уй ичидига юмушлари бениқсон бажариши зарурлиги таъкидлангани жуда уринли. Зотан, кексалар «Эр — бош бўлса, хотин бўйин» — таъкидлашганидек, улар икки ёрти бир бутун бўлишгани маъқул. Аёл қўшимча даромад топиш учун савдо-сотиқ билан шугулланса-ю, завардас эр уйда ишсиз ўтирса, бу мусулмончиликка ҳам хуш келмайди. Айни чоғда бу иллат фарзандларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Улар ўртасида турли-туман кун-

гилсизликлар келиб чиқадики, «кейинги пушаймон ўзимизга душман» — бўлади.

Ўқимаганга яраша бирор хунарнинг бошини тутмаган «Кўёв тура-нинг ўқимали келинга уйланиб, унинг иш ҳақи эвазига оила рузгорини тебратишни қўзлаган кишининг гашига тегади. Хом-хаёл! Бизнингча, кам учрайдиган боқи беғамлик. Ғурурли эркак дастлаб узини оила бошқаришга тайёрлайди. Бунда албатта ота-оналар раҳнамолиги зарур. Айрим оилаларда фарзандларини муқтаб яшашга ўргатиш урнига топиб-тутини уз зиммасига олади. Ахир улар қачонгача боқиманда бўлади. Ҳа, ҳозирда қариб мадордан қолган айрим ота-оналар ханузгача ямоқ бўлса, топиб-тутса ёқанда фарзандларига. Ваҳоланки, бунинг ақси бўлиши керак. Улар қариғанда йиллаб фарзандлари тарбиясига нисор этган умрлари эвазига турт қават қурпача устида ўтириб шоир Ғафур Ғулум ёзганидек, «Сен жё, мен же» тарзида яшати керак-ку.

Хулоса шунки, «Эркалатса онаси, талтади боласи» қабилда иш қирмай, тарбияда каттиққўлроқ бўлайлик, кейин хурсанд бўламиз.

Шоир Асқад Мухтор «Оталарга насихат» шеърда:

**Шундай таърибани
қўллаб кўринг-чи,
Бола ахир, умрининг
нақши.**

Ёшлигидан
бошланг тарбиясини,
Тугилганидан бошла-
сангиз яна ҳам яхши, —
деб давом этганида юз бор ҳақ.

Афифа ҲАСАН ҚИЗИ,
Меҳнат фахрийси,
Тошкент

Мақолани ўқиб туриб мен кунора гувоҳ бўладиган бир манзара қўз олдимдан ўтди.

Тақдир тақозоси билан катта йўлнинг бўйида жойлашган савдо дуконида қоровул бўлиб ишлайман. Қоровул бўлгандан сўнг уйқуни ўзи йўқ. Кеч соат 2 дан сўнг ҳамма ширин уйқуда бўлади. Ҳатто машиналар ҳам она замин бироз нафас олсин, деб тўхтаб қолади. Назаримда бу дамда қўшнилари ити ҳам ҳордиқ олади. Ана шундай дамда узун-қисқа бўлиб, аёллар, баъзилари ёш-ёш болалари билан, ҳатто гачир-ғучир аравалари билан ўтиб бораётганини кўраман. Бу аёллар дехқон олиб келган мева-чеваларни, қўкат ва бошқа қўлга нима илинса, қанча арзон олса шунча яхши, олиб сотувга тайёрлайди.

Бозор еттидан бошланади. Аёллар жой талашади, бирортаси арзон сотиб қўймасин деб қўлоқ дик, бирни учга, учни унга уриб кечгача ўтириб сотади. Келаятган фойдани қўриб жазирама иссиқни, ёмғирни, қорни, аччиқ изғирин шамолни, сезмайди. Жарақ-жарақ пулни топади, олинган нарса со-

тилиб бўлгандан сўнг бели толганини, оёғи нам тортганини, уйда бола-чақаси борлигини, уларга бориб овқат қилиш кераклигини, кир ювиш, нон ёпиш кераклигини, эр деганининг кўнглини ҳам олиш кераклигини эслайди-ю, уйга йўрғалайди. Худонинг битмиш кўни шу. Эр бўлса уй Султони бўлиб, муйлабни силаб, ҳалиги

бўлади. Фикри-хаёли пул топиш билан банд бўлиб қолган аёл киши эрига ҳам шунга яраша муомалада бўлади-да. Уша машхур отчоларда, боринг-ки, бизнинг Андижондаги «Жаҳон бозори»да, қўйингки, барча дехқон бозорларида савдо-сотиқ билан асосан аёллар машғулдирлар. Энди уйлаб кўринг: шу аёлларни камида

ри, Лобар хотин боши билан ҳаммасини урдасидан чиқар, қўша-қўша машиналар олар, уйлар солар, аммо ёши бир жойга борганда кўнглига малҳам бўлармикан, «ҳамма қатори бир бурда нонга қорним туяр экан-ку», деб афсус қилмасмикан?

Ёрмат бу боқи-беғамлиги, «юв-юви», шундай муомаласи билан янги рўзгориде яшаб кетиши қийиндир.

Насибабиби назаримда яхши, ибратли барча бир зум бўлса-да жиддий уйлаб қўриши, арзигулик муаммони кутариб чиқибди.

Шунинг учун инсон бўлиб яшаб, оз-оз еб, кўнгил қучасига қирмай, бир марта берилган умрни соддароқ ва тинчроқ ўтказишни уйлаши керак бундайлар.

Лобарга ҳам, Ёрматга ҳам Аллоҳ-таолодан инсоф, сабр-қаноат тилаб қоламан. Лобар билан Ёрмат ҳали бузилиб бутунлай йўқ бўлиб кетмаган оилалари ҳақида жиддийроқ уйлашларини илтимос қилиб қоламиз.

Дилкаш,
Андижон

СОДДАРОҚ ВА ТИНЧРОҚ ЯШАСА ҲАМ БЎЛАДИ-КУ...

«АЁЛ ЮРГАН ЙЎЛЛАР...» 49 сон

«зорман»да хотини кўп гапирмасин, вайсамасин деб олиб қўйган «қизили»дан уриб ётаверса...

Мақола қаҳрамони Лобар деганимиз ҳам кундан-кунга бойиб, бирим икки бўлса, яна ва яна қўпаверса деган хаёл, ташвишларга ўралашиб қолган назаримда. 5—6 ойлаб қўчада, у ёки бу шаҳарда, бўлмаса чет элларда дайдишнинг ўзи бўлмайди. Соғ-омон юриб, соғ-омон келишга қафолат бўлмаса...

Бизнингча аёл уй бошлигидан кўп пул топиб келди-ми, тил ҳам шунга яраша

50 фоизининг уйида Насибабиби қаламга олган оилалардаги ҳолатдан фарқи бўлмаса керак.

Назаримда Ёрмат ҳам аёлининг қилаётган меҳнатини ич-ичидан ҳис қилар, ўзи ҳам шунчалик эркак боши билан пул тополмаётганидан хафадир, аммо кези келганда, айниқса, «юв — юв»дан, аёлининг аччиқ, нордон гапларидан сўнг шу ҳолат юзга келгандир. Бу энди бизга қоронғи.

Нима бўлганда ҳам бир оила барбод бўлибди. Тўғ-

БУ ЙЎЛДАН ҚАЙТИНГ! «БИЗНИ ОДАМЛАР ТУШУНАРМИКАН?»

Ҳамюртимиз Ситора сизга маслаҳатим бу йўлдан қайтинг! Ўзганинг бахтига, секин ва шодлигига зомин бўлман! Бу сўзини сизга мендан олдин сиз учун азиз бўлган онангиз беришларига керак эди. Кўпни қўрган азиз онажонингиз маслаҳатлари ҳамма маслаҳатлардан устун бўлиши лозим эди.

Ахир сиз энди 18 ёшга киргансиз, у йигит эса оилани, ҳатто жажжигина ширин қизалоқли. Сиз мактубингизда: — «У мени ҳам, хотини ва фарзандининг ҳам севади» дегансиз. Ахир «Бир юракка фақат бир муҳаббат сиғади», — деб айтишадик. Агар сизни фикрингизча унинг оиласи сиз ҳақингизда билишса, оила тинчи йўқолиб, уртага совуқчилик тушади. Охир оқибатда ажралишга тўғри келиб, жажжи қизалоқ ота меҳридан айрилиб, тирик етимга айланиши мумкин. Унинг тирик етим бўлишига, ота меҳридан батамом фориб бўлишига сабабчи бўлман!

Ўзгача насиб қилмаган бахт сизга ҳам насиб қилмайди. Дунёда ҳамма тенг-теги билан яралган. Ҳали кечмас, бу йўлдан қайтиб, бошқа йигитни бахтли қилишга интилинг. Шунда ҳаётингиз тинч ўтади.

Бировнинг ёвуз тузоғига тушиб, алданишдан ёмони йўқ дунёда...

Моҳира АХМЕДОВА,
Тошкент шахри 133-мактабнинг
11 — «А» синф
ўқувчиси

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Онамдай кенг дунё йўқ экан,
Онамдай муноси мунаввар.
Эй, дунё, ҳақ бўлсанг,

сўзлагин,
Онамдай, меҳрибон киминг бор...
Оқила ва лобар, азиз онажонимиз

Шуфратул Шуфратул

Сизни 21-февраль — таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Хонадонимиз чироғи узингиз, бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг. Узоқ ва мазмунли умр кечиринг. Фарзандларингиз камолини куринг.

Турмуш ўртоғингиз,
фарзандларингиз,
келиндарингиз ва
суюқли невараларингиз
номидан қизингиз
ДИЛБАР.

Азиз ғилим
Бахтиёржон!

20 ёшга булган кунинг билан чин юракдан табриклайман. Жоним болам, бахтимга соғ-саломат яшаб, узоқ умр кўргин. Келгусида ҳаётда — ўз ўрнигини топишингни тилайман.

Опажонинг ОЗОДА

Ғилим Шерзоджон
Чиналиев!



ҳамроҳинг бўлсин.

Онанг: Нодира, холаларинг:
Шоира, Ғўзал, Баҳодир ва
Муқаддас

Қизимиз
Нафизахон!

Таваллуд айёминг билан чин юракдан самимий табриклайман. Сен узоқ умр, соғлиқ, оиланга осойишталик, бахт тилаймиз. Доимо қувноқ ва бахтиёр юришингни ис-таймиз.

Опажонинг, адажонинг

Хурраматин
Малика она!



Сизни ва адамини 25 феврал таваллуд кунларингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизларга узоқ-умр, бахт-саодат тилайман. Ҳамиша қуёшдек порлаб туришингизни тилаб:

Севимли синглингиз Мадина

Азиз онажонимиз
Рағна!



Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз! Оиламиз ва бизнинг бахтимизга доимо соғ бўлинг.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз

Такдирнинг уйинлари кўп экан. Ҳолида (уни шартли равишда шундай деб атасак) ортидан юрган не-не ошпик йигитларни доғда қолдириб, бир «тахт»-лининг пешонасига сибиг кетди.

У бахтли бўлишга ҳақли эди. Бирок, негандир бахт ундан юз уғирди. Ҳолида мактабни битиргач, шаҳардаги олий ўқув юртларидан бирига ўқишга кирди. Табиат унга бетакрор ғўзаллик инъом этган эди. Унинг оппоқ кўнглини, маъсума кўзларини, ҳавли юриш-туришларини узига муносиб курган йигитлар ҳамиша ундан рад жавобини олишарди. Мабодо ундан, «Нега сизнинг ортингиздан бир оғиз сузингизга махтал бўлиб юрган йигитларнинг бирортасига розилик бермагансиз?» — деб сурагудай бўлсангиз, у: «Кишлоқдаги гап-сузлардан қурқардим. Агар мен севиб турмуш курсам, буни оила-

миздагилар иснод деб билишарди. Опаларим ҳам узи билмаган-танимаган кишиларга турмушга чиқишган», — деган бўларди.

Кўп утмай у ўқишини ҳам ташлаб кетди. Ота-онанинг хоҳишига қараб, узи ақалли бирор марта ҳам қурмаган йи-

рига тишини тишига босиб зўрга бир йил чидади. Унинг ота уйига кетишига ор-номуси йўл бермасди. Булмади. Бахт узига элтувчи равон йўллари қилиб, унга ёлғизоёқ сўмқоқларни тақдир қилди. Бир фарзандли булганларида ажралишди. Энди унинг кўнлари

Тақдир

виб-синашиб қурилган оилага нима етсин. Мана мен нима бўлдим. Ота-онанинг, ака-опаларимнинг шаъни, ор-номусини уйладим. Энди уларнинг ҳеч бири менга ердам беролмайди. Ўз ёғимга ўзим қовурилиб, ўзим соғуриламман. Қайта турмуш қургим йўқ», шу ерга келганда Ҳолиданинг кўнгли бузилади. Ахир, у ҳам бахтли бўлишга тула ҳақли эмасми? Бир дили осмоннинг юлдузи, бир шаҳзода-нинг кўнгил мулкига малика бўлиши ҳам мумкин эди-ку. Унинг тузиган ҳаёлларига, майсадай киприкларига қўнган шабнамдай кўз ёшлари нуқта қўяди. Бу ҳол яна, яна, яна такрорланаверади, такрорланаверади...

Сиз нима деб уйлайсиз, азиз газетхон?! У тақдирини узгаришига ҳақлими?..

Дилбар ТУРҒУНОВА

ПЕШОНАГА СИҒМАГАН БАХТ

гитга турмушга чикди. Бу ҳолдан қўпчилик елка қисиб қолди. Бирок, не-не умидлар билан қадам босган «тило остона»-си унинг пешонасига сиғмади. Энг эзгу тилақлардан қурилган оила қўргони дарз кетди. Ҳолида эрининг ичиб келишларига, тирноқ остида кир қидиришларига, жанжалла-

тун, тўнлари маҳзун. Ёлғизгина овунчоғи бир ёшли қизалоғи — Ситора. Катталар-ку, бир амаллаб ўз бахтини топиб кетар, фақат тақдирнинг айб-сиз айбдори Ситоранинг жаҳини кўнгли, қувончи бир умрга кемирди.

«Мен қизимга сев, деб уқтираман, — уйлайди у. — Се-

ТУШ ТАБЫРНОМАСИ

Менинг икки ўғлим касалхонада ётган пайт эди. Бир кун туш курсам, аллақерда меҳмондорчилик бўлаётган, дастурхонлар ястатилганмиш. Шу вақт менинг ишонамдагилар меҳмонга келишганмиш. Қарасам, катта қозонда ош учун сабзи-пиёз қайнаётган эмиш. Мен бу катта қозондаги ош қачон пишади, деб кичкина қозонга шу сабзи-пиёздан солдим-да, ош дамладим. Кейин музика садолари остида роса рақсга тушдим.

Бир кун олдин кечқурун болаларим олдиға касалхонага борганимда катта ўғлим сал бошим оғрияпти, деган эди. Дорилар ичириб навбатчи врачга курсатиб келган эдим. Эрталаб уйқудан турдим-у, касалхонага телефон қилсам, катта ўғлимнинг мазаси йўқлигини айтишди. Дарров етиб бордим. Хуллас, боламнинг касали оғир-

УМРИ ҚИСКА ЭКАН...

лашиб 23 кун деганда қузини очди. 40 кунда касалхонадан уйга чиқдик. (Тушимдаги роса рақсга тушганим) Бу даврда у 16 ёшда эди. Боламни доимий врач назорати остида даволаб бордим. Жуда яхши бўлиб, ишлаб юрганда, орадан 4 йил ўтгач, кўчада бахтсиз ҳодиса туфайли дунедан кўз юмди. (кичкина қозонда ош дамлаганим) У 20 ёшда эди. Катта қозонда дамласам, балки боламнинг умри узоқ бўлармиди? Энди бу менинг армоним.

АЗИЗА

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

ПУЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Бундан анча йиллар аввал, маҳалламиздаги бир киши хотини билан уришиб қўлиб, уни болалари билан онасиникига ҳайдаб юборибди. Кейин ташқари эшикни талбалабди-да, узини айвондаги харилардан бирига арқон билан осибди. Худди шу пайт бир ошнасани икки тонна қумир олиб келиб қўлибди.

Ха, деганда кўча эшик очилмавермагач, қумирчи тирқишдан ҳовлига кўз ташласа, дусту айвондаги сурида осилиб турганимиз. Жон ҳолатда девордан узини ичкарига ташлаган қумирчи типирчилаб оғзидан қўпик чиқарётган биродарини арқондан халос қилибди. Дустини буйинини силаб: — «Номард, қумир девдинг олиб келдим. Ҳозир олиб кетганимда пулини кимдан олардинг? Қани буюр, қумирни қаерга тушайр?» — деб онасининг айтган жойига тўкиб, ҳақини олиб кетган экан.

Саидмурод САИДАҲМАД

ОИЛА-526

Тошкентлик алоҳида уй жойига эга булган 49 ёшли эркек, урта бўли 28-29 ёшлардаги аёл билан танишишни хоҳлайди. Гарчи у ногирон бўлса-да, оиласини иқтисодий томондан тула-тўқис таъминлашга қодир.

Сўраган эдингиз

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: Пенсиянер вафот этганда дафн этиш учун нафақа туланадими? Туланса, қанча миқдорда?

М. Рустамов,

Учкудуқ шаҳри

Жавоб: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ нафақахўр (ишловчи нафақахўрлардан ташқари) вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки нафақахўрининг дафн этиш маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдоридан, лекин энг кам иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси туланади.

Курсатиб ўтилган пуллар, уларнинг олиш учун пенсиянер вафотидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда туланади.

Савол: Икки нафар фарзанднинг онасини. Турмуш ўртоғин билан ажрашган, отамнинг уйда турар эдим. Яқинда отам вафот этди. Менинг фарзандларимга ҳам буювчисини йўқотганимдан пенсияси тайинланганими? Собiq турмуш ўртоғимдан олаётган алимент пули етишмайди. Ўзим болаларим ёш булганлиги сабабли ҳеч қаерда ишламайман.

Н. Диёрова,

Самарқанд шаҳри

Жавоб: Ушбу вазиятда фарзандлар учун буювчисини йўқотганлик пенсияси тайинланмайди. Қонуннинг 19-моддасига асосан «Вафот этган буювчининг қарамоғида булган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари буювчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга» дейилган. Агар марҳумнинг тулиқ қарамоғида булган еки ундан ердам олиб турган болалар, бу ердам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланади. Сиз фарзандларингиз учун алимент пули олмасиз ва бу даромад манбаи ҳисобланади.

А. МУЗАФФАРХОНОВ, ҳуқуқшунос (Давоми бор)

«ДИЛОРОМ» ЎҚУВ КУРСЛАРИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Зардушлик — Бухороча.
2. Бичиш-тикиш, моделлаштириш.
3. Машинада гул тикиш.
4. Компьютер билимлари.
5. Бухгалтерия.

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА.

1. Инглиз тили (бошловчилар учун, давом эттирувчилар учун)

Манзил: Муртазоев кўчаси, 40-уй, 3-кават, 63-хона.

Мўлжал — «Қозғоғистон» кинотеатри. Тел: 35-13-41, 58-48-50.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЎЎТИНМОСИ

Молу-дунё ҳаромдир,
Ҳаром еган ғирромдир.
Нафсингга қул бўлма ҳеч,
Ҳалоллик — иймондандир.

Абдуҳамид Камолов

ИБН СИНО САБОКЛАРИ ТИПРАТИКАН

Типратиканнинг қайнатма шурвада пиширилган гушти қучли булганидан моҳов касалига фойда қилади.

Типратикан териси қуйдирилиб, чирикли яраларга сепилса тезда тўзатади.

Унинг чала пиширилган гуштига туз сепиб ейилса фалаж, тиришиш ва асаб касалликларида фойда қилади.

Қайнатма шурвада пиширилган гушти сил касалликларига даъво.

Кечаси сийиб қўядиган болаларга вақти-вақти билан типратикан гуштидан бериб турилса, қовугини мустаҳкамлаб, сийиб қўйишдан халос этади.

Серпиле пиширилган қайнатма шурвасига мурч солиб ичилса, ички аъзоларни терлатиб, бадандаги оргрилари тўхтади ва бир неча касалликларга қарши курашади.

Эслатма: Уйда боқилган типратикан суваракларни қириб ташлайди.

Типратикан бор жойга илон яқин келмайди.

Типратикан суйиш учун қасбоб излаш шарт эмас. Уртача ҳаёлдаги тоғорага сув солиб, унга типратикан ташлаб юборилса, гуҳанак бўлиб олган жонивор калласини ташқарига қўшиб туради. Ана шундан сунг «Бисмиллаҳи роҳманир роҳим», деб буйнига пичоқ тортилади.

С. Саидахмад тайёрлаган

ОТА ОБРЎСИ...

Биз яхши биламиз, оилавий турмуш бир кунлик ёки бир йиллик эмас. У турли ҳолатларни, манзараларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам уни умр савдоси дейдилар. Бу савдога дош бермоқ учун баъзан кўп «савдо»ларни бошдан кечиришга тўғри келади. Оила деб аталмиш кичик бир салтанатда ўзига хос бошқарув бор-ку. Бу баъзи оилаларда аёл қўлида бўлса, баъзиларида эркак қўлида. Лекин, мен бир нарсани биламанки, қайси оилада аёл ё эркак фарзандлар олдида обрўсизлантирилса уша оиладаги болалар тарбияси кўнгилдагидек бўлмайди. Айниқса, оталар обрўсизланмаслиги, оилада етакчи, ҳукмбардор шахс бўлмоғи керак экан. Буни мен нима учун айтаялман. Яқинда мен ишлайдиган тахририятга бир ота телефон қилиб, «Қизим, сиз журналист-сиз, ёзган мақолаларингизни ўқиб бораман. Агар малол келмаса, мен ҳам ўз бошимдан кечирган кичик бир воқеани айтсам, шу нарса туртки бўлиб бирон нима ёзсангиз», деб ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида сўз очдилар.

Халқимизда ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин, деган гаплар юра-

ди. Бироқ уч фарзандини оёққа тургазиб, балоғат ёшига етказгунча не машаққатлар тортган отанинг обрўси бир кўрпа-ю, кўрпачалик бўлмаса.

Ҳа, ҳикоямиз қаҳрамони уч фарзанди ҳурмати аёлининг барча инжиқликларини кутариб келган. Лекин охирида асаблари дош бермагач, ажрашган. Ўзи яшаб турган уйни аёли ва фарзандларида қолдириб чиқиб кетган. Ҳозирда ёлғиз ўзи яшар экан.

У яқинда вазият тақозоси билан бир жиянига:

— Бор, уйдан бир кўрпа, бир кўрпача сўрагин. Тоғамга, деб айт, — деганларида успириш йигитча шахдам қадамлар билан кириб кетибди-ю, бушашиб, нима дейишини билмай бўш қўл билан чиқиб келибди.

— Ҳа, беришмадимми?

— Кичкина қизингиз уйда экан. «Унга берадиган ҳеч нарсамиз йўқ, бор жўна». — деб хайдади.

Бу ёғи отанинг ҳикояси:

— Ишонасизми, қизим, уша ерда оёқ-қўлим бушашиб кетди. Ахир мен шофёрлик қилиб тогган пулимнинг ҳаммасини шу болаларимга дегандим. Ҳамма пу-

лимни аёлимнинг қўлига берардим.

Уша кўни уйга келгач, ҳам ҳеч ўзимга келолмай, юрагим безовта қила бошлади. Кичкина қизим деяпманку, у ҳам 18 ёшда, оқ-қорани танийдиган бўлиб қолган. Эртага бошқа хонадонга бор-

Турмуш чорраҳаларида

гач, шундай муомиласи билан қандай кун кечириди. Шуларни уйлаган сари кўзимдан ёш қуйилади-ю, ёлғиз ўзим, бир нарса бўлиб қолсам ҳеч ким билмай қолмасин, деб дўстимга телефон қиламан.

— Ҳой, биродар, мен 3-4 кун кўринмай қолсам, хабар олиб қўй. Ахир иссиқ жонман...

Отанинг ҳикояси шу ерга келганда уни қаттиқ йўтал тутди. Бироз ўзига келгач:

— Сизни вақтингизни олдим, уэр қизим, одам дардини кимгадир айтмаса... — дедилар.

Мен эса уларни қандай сўз билан юпатишни билмай:

— Кўйинг, хафа бўлманг. Қизингиз ёшлик қилибди. Балки: «Сенинг отанг ундай, бундай», деган сўзларни онасидан эшитавериш онги заҳарлангандир. Бир кун ўз бошига турмуш савдолари тушганда қилган хатоси учун кечирим сураб қолар, — дейману минг истиҳола билан:

— Фарзандларингизга совчи келадиган бўлиб қолибди. Шу ёшга етказганингизда ажрашиб-сизлар. Бу болаларингиз тақдирида ҳам нохушлик тўғдириши мумкин. Ота сифатида шу ҳақда уйлаб кўрмадингизми? — дейман қизиқиб.

— Сиз айтган фикрни маҳалладагилар, кўни-қўшиллар ҳам айтишди. Майли, шу сафар ҳам сизларни деб кечираман, деб яшаб кўрдим. Бироқ, узоққа бормади, — дейдилар.

Оила муқаддас кўргон дейдилар. Девор ортида нима бўлаётгани, у ерда яшаётганлар қалбидан қандай уйлар кечаётгани атрофдагиларга қоронғу. Лекин, менга бир нарса аёнки, оилада ота обрўсининг тўқилмаслигида аёлининг фаҳму фаросати, зукколиги даркор.

Ҳар қандай камчиликлар бўлса-да, фарзандларга:

— Шу сенинг отанг. Ҳурматини жойига қўйинглар. Қўлида нарса кутариб келса, дарров туриб олинглар. Нимаики қилса, сизларни деб ҳаракат қилланти, — деб айтиш онанинг бурчи.

Ота-она ажрашган бўлса-да, болалар ота ё онанинг алам устида айтган таҳдидли гапларидан ўз хулосаларини чиқаришлари, вилдон амри билан иш туттишлари керак, деб уйлайман.

Ажрашгач, 4 йилдан бери ёлғиз яшаётган ота ҳолидан фарзандларнинг хабар олмасликлари тушуна олмадим.

Отанинг кўйиниб айтган сўзлари қўлогим остида ҳамон жаранглайди:

— Бир умр ичмадим, чекмадим. Уйим-жойим бўлсин, фарзандларим ҳеч нарсасга зорикмасин, элга қўшилсин, деб ҳаракат қилдим. Оқибатда...

Воқеанинг бу ёғи сизга ҳам аён бўлди. Азиз газетхон, мен-ку бир журналист сифатида ўз мулоҳазаларимни баён этдим. Балки ҳаёт тажрибасига эга бўлган сиз катталар бошқа фикрдадирсиз?

Муҳайё МИРСАИДОВА

ТЕГИРМОН ҲАМ НАВБАТИ БИЛАН

Тахририятга Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги генерал Ғофуров 1-тор куча 12-уйда яшовчи эр-хотин Ғ. Тошназаров ва Ғ. Ашуровлар ари-ҳол қилиб келишди.

— Биз 1982 йилда телефон олиш учун навбатда турганмиз, — дейди Ғуломжон ака. — Уша пайтдаги рўйхат бўйича фамилиямиз 1320-уринда ёзилган. Ҳозиргача навбатимиз келмайдик. Сабабини билиш учун АТС бошлиғига учрашайлик десак, у киши хизмат жойида кам утаради шеклили, қачон борсақ ёки телефон қилсак қаққа-дир йиғилишга кетган бўлади. Охириги марта қабуллага кириб, телефон ўрнатиш масаласини бирёқлик қилиб беришини сўрадик. Лекин у киши аниқ бир гап айтмади: «Кўчаларингиз бориб текшириб кўрдик. Сизларнинг навбатингиз 16-кўни», — дея қисқа жавоб қилди-қўйди. Ваҳоланки, бизнинг кўчада атиги 17 хонадон бўлиб, уларнинг ярмида телефон ўрнатишган.

— Мен иккинчи гуруҳ ногирониман, — деб эрининг галини давом эттиради аёл. — Тез-тез тобим қочиб туради. Шундай пайтда телефоннинг қадри билинаркан.

Биз ушбу масала юзасидан Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 29-автомат телефон станцияси директори Маъруфжон Дадабоевга (29-04-25 телефон рақамига) қайта-қайта сим қокдик. Аммо у киши билан боғланишимиз қийин кечди. Ҳар сафар телефон гушагини кутарган техник ҳодимдан: «Бошлиқ йиғилишга кетган» деган жавобни эшитиб аввалгига ҳайрон бўлдик. Кейин энсамиз қотганча шикоятчиларни-

нг эътирозига шубҳамиз қолмади. Ҳартугул уринишларимиз зое кетмади. Маъруфжон ака билан телефон орқали боғландик. У кишига мақсадимизни ва масаланинг моҳиятини обдон тушунтиргач эса:

— Нима сабабдан 1982 йилдан буён навбатда турган мижознинг уйига шу пайтгача телефон ўрнатишмаяпти? — деб сўрадик.

— Эҳтимол, уша мижознинг фамилияси эски рўйхатда қолиб кетган бўлиши мумкин. Яна билмадим. Ҳар қалай бу масалани урганиб чиқиб кейин хабар берсак яхши бўларди, — дея жавоб берди у бамайлихотир.

— Фақат кечикиб кетмасин, — Узоғи билан 3 кун ичидан натижасини маълум қиламиз.

Биз ҳам аввалгига 29-АТС директори М. Дадабоевнинг бу хилдаги ваъдасига кўчмиллик мижозлар сингари ишонган эдик. Ҳар ҳолда масъул лавозимда ишлайди, масъулиятни ҳис этса керак, деб уйлөвдик. Қаёқда дейсиз! Кўнлар кетидан ҳафталар эргашиб келса ҳамки, жавоб хатидан дарак бўлавермади. Гуё «Қора-қамиш» қочиб кетгандай бирам келиши қийин бўлдики, асти қўяверасиз. Охири бетимизнинг каттиги — жонимизнинг хузури, қабилида иш тўтиб жавоб хатини сураб олдик. Тилаб олган жавоб хатини ўқиб чиқиб эса бир нарсасга қўйил қолдик денг. Буни қарангки, 29-АТС раҳбарияти бошқа идора ва таъшилотларга ёзма равишда қандай маълумотлар бериш ҳақида оддий тушунчага ҳам эга эмасга ухшайди. Йўқса, пештоқига шикоятчининг турар-жой манзили ва исми-шарифи катта ҳарфлар билан ёзилган жавоб хатини тахририятга қўш-

қўллаб кутариб келмаган бўларди. Начора, қозонда бори чумичга чиқади-да!

Энди бевосита жавоб хатига тўхталадиган бўлсак, унинг қисқача мазмунини шундан иборат. Текшириш натижасида Ғуфоро Ғ. Тошназаров яшаб турган йуналишдаги кабелда бўш симлар йўқлиги маълум бўлди. Шу боис унинг аризасини қондириш имконияти топилмади. Агарда мижоз телефон ўрнатиш учун кетадиган барча сарф-харажатларини ўз маблағи ҳисобидан қоплашга рози бўлса, бу масала ижобий ҳал этилиши мумкин. Яна қўшимча равишда шуни қайд этиш жоизки, Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан шу йўналишдаги хонадонларга қўшимча кабеллар утказилиши 2002 йилга мўлжалланган, — дейилади жавоб хатига.

Маълумки, Республика-мизда коммуникация тизимида пуллик хизмат курсатиш жорий этилган. Бундан кўпчиликнинг хабари бор. Хусусан, хонадонларга телефон тармоқлари тортиш ва ўрнатишда ҳам шу қондага рўназ қилинади. Демак, бу борадаги муаммони ижобий ҳал этилиши асосан маблағга боғлиқ. Бироқ Ғ. Тошназаров ва Ғ. Ашурова сингари нафақахўрлар қайси пуллари эвазига телефон ўрнатиши мумкин. Устига устак 16 йил навбатда туриб телефон ололмаган мижозларнинг яна 3 йил кутуши инсофданди? Ахир тегирмон ҳам навбати билан-да. Наҳотки, «Аёллар йили»да битта ногирон аёлининг ҳолатини чиқаришнинг имконияти топилмади?

Комилжон ТОШМИРЗАЕВ

ИШЛАЯПСИЗМИ
— ДЕМАК,
БАХТЛИСИЗ!

Ҳурматли «Оила ва жамият» газетаси тахририяти! Сизларга кўнглимдаги дардларимни ёзишга ҳазм этганимнинг сабаби ушбу газета бир кам дунёдаги энг садоқатли дўстларимдан бирига айланганлиги бўлса керак.

Мен асли Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани, Янги-Саройкўргон қишлоғида яшайман. Ҳаётдан жуда кўп умидларим, орзуларим бор эди. Бироқ!... Турмушнинг мушкул савдолари бунча қўпчилигини илгари билмаган эканман. Аммо елкамга рўзгорнинг юки тушгандан сўнг, кўп нарсани англадим. Армия хизматини тугаллаб ўқишга кирмоқчийдим. Тўсатдан отам вафот этди. Оила ташвишлари бошимга тушиб қолди. Бу орада онам «уйланасан» деб туриб олдилар. Азалдан соғлигим яхши бўлмаганим боис ўқишга ҳам кирмаганман. Қўлимда тайинли касбим, ҳам йўқ. Ишлашни истайман. Лекин қишлоғимизда иш йўқ. Газ билан электр ахён-ахёнда унда ҳам керак бўлмаган пайтда бўлади, холос.

Яхши ҳамки газета бор экан. Автобус ҳар замонда бир қатнайдиған шахарга бориб ҳар чоршанба «Оила ва жамият» газетасини топиб олиб келаман. Ҳамқишлоқларимиз орасида бу газета йиртилиб кетгунча ўқилади. Уни ўқиб яшашга бўлган иштиёқимиз ошади, қалбимиз илиқ бир шуурга тулгандек бўлади. Матбуотда баъзан ўғрилиқ, безорилиқ, ичкиликбозлик бекорчиликдан келиб чиқади, деб ёзилади. Ёшлар меҳнат қилишни исташмайди деб ёзадилар. Мен бу гапларга қўшилмайман, қўшиллолмайман. Чунки қишлоқда иш йўқлиги тўғрилиқ кўп ёшлар бекор юришибди. Лекин рўзгор тебратиш керак. Ҳамма ўзича тиришиб-тирмашиб яшайпти-ку, ахир. Инсон агар инсоф-диёнати бўлса ҳар қандай номаъқул ишлардан ўзини тия олиши мумкин. Ёмон одамнинг ўзи йўқ аслида.

Баъзан ҳаётимдан ёзиламан. Мен ҳам одамларга ўхшаб эрталаб ишга боришни, оқшом хотирхам қайтишни истайман. Лекин иложсизликдан бошимни қайга уришни билмайман. Касби бор, кунда ишлаб қайтаётганларни курсам, хавасим келади. Бир кун мен ҳам шундай бахтга эришишни истар эдим. Бизнинг чекка қишлоқларга ҳам бирор кун келиб кичик корхоналар қурилармикан? Эҳтимол, шунда мен ҳам ўз ниятима ётарман?

Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги раҳбарлар ҳам айна кунда долзарб бўлган шундай муаммолар ҳақида бош қотиришармикан?

Аслиддин ТОЖИБЕВ,
Самарқанд

АРМОН

Мен 24 ёшдаман. Албатта, ҳам-манинг ҳам уз орзу-умидлари бўлади. Менинг эса орзуларим рувобга чиқмади. Билмадим, бунга ўзим сабабчими ёки тақдирим шундай эканми? Қисқаси, 1994 йил эди, энди хизматдан қайтган эдим. Келганимга 15 кун ўтмай бир дустим билан унинг яхши курган қизини кургани бордик. У қизни кўрдим-у, мен ҳам яхши кўриб қолдим. Лекин дустимга айтмадим, ўша қизга ҳам билдирмадим. Шу кундан бошлаб ҳар кун дустим билан унинг олдида борадиган бўлдик. У қизнинг ишонаси ҳам ўзимизнинг қолхозда эди. Дустим қизини олдида боришга борар эдию, аммо нимагадир гапини айтмай қайтарди. Унинг ўрнига мен гапирардим. Дустим номидан ўша қизга хат ёзардим. Лекин бу хатларда, беихтиёр ўзимнинг ичимдаги дардларим акс этарди. Лекин менинг бундай ақволимни, севишимни ўша қиз ҳам, дустим ҳам билишмасди. Мен икки ўт ўртасида қолдим. Дустимни уйладим, унинг юзидан ўтолмадим. Дустим ҳам қатъий ҳаракат қилмади. Негадир на совчисини жўнатди, на қиз билан бундоқ жиддий туриб гаплашди. Ҳар кун унинг олдида борамиз, қизни уйига чакатиб қўямиз. Лекин дустим бир оғиз сўз гапирмайди, сир босиб қолади, шекилли. Нима бўлди қизга бошқа ёқдан совчилар келиши ва унинг туйи бўладиган бўлди. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Дустим туйига борди, менинг эса юрагимга ҳеч нарсаси сизмасди...

Шу кундан эътиборан кўзимга дунё қоронғу бўлди. Энди менга ҳаётнинг қизиги қолмагандек туюларди. Кун кетидан кунлар ўтди. У қиз яна ўз ишига қайтди. Акам ўша ерда қоровул бўлиб ишларди. Мен акамнинг ўрнига ҳар кун бориб қоровуллик қиладиган бўлдим. У қизни кўрмасам, туролмайдиган аҳволга тушиб қолдим. Нима бўлдию, дустим ишлагани Тюменга кетди. Мен эса дардимни борини у қизга айтдим. Лекин энди кеч. Энди у бировнинг ёри. Нима қилай, ахир дардим ичимда қолмасди дедим-да. Шундан бошлаб икковимиз сирдош бўлиб қолдик. У қиз ҳам ота-онасининг хоҳишига қура турмушга чиққан. Икковимиз бир-биримизга шунақанги урганиб кетдикки, кўрмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Йиллар ўтиб у ўғил курди. Ўғли ҳам мана югуриб, гапирадиган бўлиб қолган. Энди у ишонасига ўғли билан келади. Ўғли билан ҳам инокмиз. Мени ҳар курганида «тоға» деб олдимга югуриб келади. Мен уни барибир севаман. Энди у бир умр орзуим-хаёлимда яшаб қолади. Ўзгани ҳеч қачон севолмайман. Дунёдан ёлғизликда ўтишни ният қилдим. Бунга сизлар нима дейсизлар? Менга қандай маслаҳат берган булардингиз?

Ёримга бир умр бахтлар

тилайман,

Ўғлига Аллоҳдан умр сўрайман.

Дунёда ёлғиз мен ғамгин

яшайман,

Ўтган куним эслаб зор-зор

йиглайман.

Р.

Қишлоғимизда бир қизга кўн-гил қўйгандим. У ҳам мени севарди, унинг исми ҳам ўзига муносиб эди. У қалбимнинг туридан жой олган. Ёримни курганимда ўзимни йўқотиб қўярдим. Минг афсус бўлсинки, бизларнинг бир-биримизга бўлган севги муҳаббатимизни кўнгли қоралар ажратиб қўйишди. Ҳар хил миш-мишларни эшитган ёримнинг ота-онаси мени ундан узоқлаштириб, бошқа бир бегона йигитга узатишди. «Бўла-жак қудаларнинг енгил машинаси бор, бой оилалардан бири, қизи-

либ, бахтли ҳаёт кечирсин, ҳеч қачон қулимсираб турган қоп-қора кузлари ерга қараб қолмасин, доимо қулиб яйраб юрсин. Мен хоҳлардимки, ота-оналар ёшларинг бир-бирига бўлган севгисини тушунсин. Унинг ота-онасидай қизининг бахтини бойликка алмашмасин. Ўстига ўстак яна бир кўнгилсиз воқеа мени қийнайди. Бизларнинг оила учун ўтган йил оғир келди. Қулфат ўстига қулфат. Унинг туйидан кейин 26 ёшли акам оғир касалликдан оламдан ўтди. Жойи жаннатда бўлсин.

АЙРИЛИҚ АЗОБИ ҚИЙНАЯПТИ...

миз пулдан қийналмайди, яхши-яхши қўйлақлар қияди», деб ота-онаси шу ишни қилишгандир. Менинг эса ота-онамнинг машинаси йўқ, камбағал оилаларданмиз, шунда ҳам ҳеч афсусланмайман. Оиламиз тинч, дўстларим қатори қийинаман, ейман, камчилигимиз йўқ, ака-укалар бир-бирига жуда инок. Ҳаммасидан фахрланаман. Лекин 3 ойдан бери ёлғизланиб қолганимдан қийналиб яшайман. Назаримда у сиз менга бу дунё қоронғу. Бундан кейинги умрим қандай бўлади-билмайман. Ишонаманки, у мени бир умрга эслаб юради ва севади. Мен ҳам умримнинг охиригача севаман ва унинг исми қалбимда яшайди. «Унга Худойимдан шуни тилайманки, ўша оилада севикли келин бу-

Акам қишлоғимизда биринчи бўлиб инглиз тилидан дарс берганди. Эсласам, юрагим ўртаниб кетди. Акажонимнинг қули гул эди, ҳамма ишни биларди, чизган расмлари, ёзган ёзувлари шундоқина мактабнинг чиройига чирой қўшиб турибди. Мана, юрагимда борини чиқариб озгина бўлса ҳам ўзимни енгил сездим. Лекин бу армонли кунлар эсдан чиқмас бўлиб қолди.

Тилагим бундай қора кунлар илоҳим ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Фақат айрилиқ, азобларига чидаб яшашим қийин бўлаяпти. Юртдошларимнинг маслаҳати далаларига зору интизорман...

Чори Ҳайитов,

Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани

Аёллар учун тест

ЎЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

1. Қўлингизга катта миқдорда пул тушса, нима қиласиз? А. Акция сотиб оламан — 1. Б. Банка қўяман — 5. В. Қимматбаҳо буюмлар сотиб оламан — 3.
2. Янги танишган одамнингиз билан қандай муносабатда бўласиз? А. Оқич кўнгиллик билан — 3. В. Сал уйланиб — 1. В. Бефарво — 5.
3. Олдингизда бирор муаммо кўндаланг бўлганда нима қиласиз? А. Қайфиятимга қарайман — 5. Б. Яқинларимдан маслаҳат сўрайман — 3. В. Муаммони ўзим ҳал қиламан — 1.
4. Фарзандингизнинг бетоблиги сиз учун жуда муҳим бўлган учрашувга ҳалақит берса, қандай йўл тутасиз? А. Учрашувга бормайман — 1. Б. Боламини қўшниларга қолдириб кетаман — 5. В. Боламини уйда ёлғиз қолдириб кетаман — 3.
5. Сизнингча, ҳаётда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар ҳам мавжудми? А. Ҳа, лекин улардан қўрмайман — 3. В. Йўқ — 1. В. Ҳа, улардан қўрқаман — 5.
6. Кимдир сизга ҳеч бир сабаб-

сиз қўполлик қилса, қандай йўл тутасиз? А. Мен ҳам қўпол жавоб бераман — 1. В. Хушмуомала бўлишга интиламан — 3. В. Унга эътибор бермасликка тиришаман — 5.

7. Сиз кўпроқ қандай иш билан машғул бўлишни истайсиз? А. Ижод билан — 5. Б. Тинчгина иш билан — 3. В. Сергалва иш билан — 1.

8. Бирор масала юзасидан танлаш муаммосига дуч келсангиз нима қиласиз? А. Яқинларимдан маслаҳат сўрайман — 3. В. Муаммони ўзим ҳал қиламан — 1. В. Ўзгаларнинг маслаҳатига қўлоқ соламан — 5.

9. Сизга иккита — бири қизиқарли, иккинчиси сердаром; 1 иш таклиф қилишса, қай бирини танлайсиз? А. Сердаромдин — 1. Б. Илоҳи бўлса икковини ҳам — 5. В. Қизиқарлисини — 3.

10. Моддий жиҳатдан тула таъминланган бўлсангиз қандай турмуш тарзини танлаган булардингиз? А. Ўй бекалигини — 3. Б. Жамоат ишини — 1. В. Ишбилармонлигини — 5.

21. БАЛЛГАЧА. «Аёлнинг сариштаси — уйнинг фариштаси», деган нақл айни сиз қабилад ҳақида айтилган бўлса, ажабмас. Сиз уйингизни саранжом-саришта тутишни, лаззатли таомлар пиширишни, турмуш ўртоғингиз ва болаларингизга қарашни ёқтирасиз.

22-42 БАЛЛ. Сиз ҳали изланишдасиз. Шунинг учун ўзингизни ҳар соҳада синаб қўришдан эринмайсиз. Ҳа, айтганча, характерингизда ишбилармонлик хусусиятлари бор экан. Шу соҳага қўл урсангиз омадингиз келиши ҳеч гап эмас.

43 БАЛЛДАН ЮҚОРИ. Сизни туғма ишбилармон дейиш мумкин. Музокарани, янги ҳамкорлар билан танишув, тез-тез сафарга чиқиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш — буларнинг бари сизни худди оҳанрабодай ўзига тортади. Одатда, ишингиз доим самарали яқунланади.

Дармон ИБРОҲИМОВ

БОШИ БЕРК КЎЧАДА ТУРИБМАН...

Мен ўзимни боши берк кўчага кириб қолгандай ҳис қилаяпман. Мен Эркин исмли йигитни севиб қолганман. Лекин уни иккита фарзанди бор. Шунга қарамай ва ўзгаларни гапига ҳам қўлоқ солмай, унинг севгисини қабул қилдим. Мана танишганимизга бир йил бўлди. Аммо шу бир йил давомида ўртамада ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. Онам бизнинг муносабатларимизга қарши. Тўғри ҳар бир она ўз фарзандини бахтли бўлишини хоҳлайди, албатта. Лекин қандай қилиб муносабатларимизга чек қўяман, ахир илк бор севги-муҳаббат нимагадир шу инсондан урганган бўлсам.

Нима деб уйлaysиз, агар шу инсонга иккинчи хотин бўлиб тегсам, бахтли бўлиб кетармикиман ёки бошқа куп қизлар сингари афсус чекиб қолармикиман. Ёшим 16 да.

Сизнингча нима қилишим керак, илтимос маслаҳатингизни қўтиб қоламан.

Н.

Билал

Мақолада келтирган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0115
28118 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Д. ТУРҲОНОВА.